

ЛАКУНАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АХАМИЯТИ

Хайдарова Дилором Акрамовна

Жиззах давлат педагогика институти

“Лакуна” термини илк бор канадалик тилшунослар Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилиб, унга шундай таъриф берилган: “Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади”. В.Г. Гак лакуналарни “тилнинг лексик тизимидаги бўшлиқлар, бор бўлиши керакдек кўринган сўзларнинг мавжуд эмаслиги”, деб тушунтиради. Тадқиқотчи лакуналарни мазкур жамиятда тушунчаларнинг мавжудлиги, бироқ уларни ифодаловчи сўзларнинг йўқлиги, бундай тушунчалар учун бошқа тилда алоҳида лексик ифодаларнинг мавжуд бўлиши деб ҳисоблайди. Лакуналарга мисол тариқасида француз тилида рус тилига қиёсан сутка ва кипятёк сўзларининг мавжуд эмаслигини келтиради. Лакуналар (Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелне, В.Л. Муравев), оралиқ, лакуна (К. Хейл), зид сўзлар, оралиқлар, лакуналар ёки тил харитасидаги оқ доғлар (Й.С. Степанов), таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар (В.Г. Чернов), муқобилсиз, нол сўз (И.А. Стернин), муқобилсиз ёки фонли лексика (Л.С. Бархударов, Й.М. Верещагин, В.Г. Костомаров), тасодифий лакуналар, таржимасиз лексика (Л.С. Бархударов) ва ҳ.к. қўлланилганини кўриш мумкин. С.Влахов ва С.Флоринлар лакуна ҳодисасини ифода воситаларининг алоҳида категорияси бўлган реалиялар, яъни “бирон халқнинг маиший, маданий, ижтимоий ва тарихий ҳаёти учун характерли ва бошқа халқ учун бегона бўлган, бошқа тилда аниқ муқобили бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари” сифатида талқин қилишган. О.А. Огурсованинг фикрича, мазкур лексемалар қиёсланаётган тилларда ўхшаши бўлмаган сўзлардир. Биз эса лакуна терминини қўллашни маъқул кўрадик ва уни сўз бирикмаси эмас, коннотациядан ҳоли бўлган қисқа сўз эканлигини; тасвирланаётган ҳодисани фарқлилик даражаси хусусида сўз юритиш мумкин бўлгани учун унга нисбатан муқобилсиз терминини қўллашнинг ўринсиз эканлигини қайд

киламиз. “Лакуна қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлган ва бошқасида учрамайдиган грамматик категория, сўзлар ва сўз бирикмаларидир”. Аксарият тадқиқотчиларнинг тиллар ва маданиятлардаги фарқлиқларни таҳлил қилишда “лакуна” (лот. ласуна – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой; франс. ласуне – бўшлиқ, бўш жой) терминини қўллашлари бежиз эмас. Бунга мисол урнида шуни келтириб утиш жоизки, бугунги кунда узбек лакуналарининг ҳам турлари талайгина. А.М.Прохоровнинг таҳрири остидаги “Советский энциклопедический словарь” (М.,1981)да тилшунослик ва адабиётшуносликдаги лакуналар “матнда бўш қолган, тушиб қолган жой” деб изоҳланган. Бунга ўхшаш изоҳни “Словарь иностранных слов” (М.,1984)да ҳам учратиш мумкин. Муайян халқнинг маданиятида бошқа маданият вакиллари томонидан қабул қилинмайдиган стереотип характердаги бир қатор ўзига хос унсурлар мавжуд бўлиб, улар Й. А. Сорокин ва И.Й.Марковиналар томонидан лакуналар деб номланади. Реципиент ҳар доим ҳам ўзга маданият матнини тўлиқ тушуна олмайди. Матндаги айрим бирликлар унга ғалати туюлади ва улар махсус изоҳ талаб қилади. Бундай бирликлар матн яратилган маданиятнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари, лакуналарни юзага чиқаради. Лакуналар маданиятлараро мулоқотда тиллар ва маданиятлар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Лакуналар, асосан, тилларнинг қиёсида сезилади. Уларнинг турлари пайдо булишида ҳам тилларни турли соҳаларда қиёсланиши ҳамда лингвокультурологик ахамияти алоҳида ахамият касб этади. Масалан, реципиент она тилида бўлмаган матнни ўқиш жараёнида унга “бегона” бўлган маданият билан тўқнашади ва уни ўзининг миллий маданияти доирасида қабул қилишга ҳаракат қилади. Натижада реципиент “бегона” маданиятнинг ўзига хос хусусиятини нотўғри талқин қилади. Бундай ҳолатларда лакуналар матнни тушунмасликдан юзага келади. Шунингдек, муаллиф ва китобхон орасидаги замонда (замонавий китобхон классик асарларни тушунмаслиги мумкин) ҳам фарқ бўлиши мумкин. Маданий макондаги лакуналар у ёки бу лингвомаданият жамоаси

вакилларининг маданий макон ва ички кўринишни баҳолашдаги номутаносиблигини ифодалайди. Мулоқот жараёни кенг маънода олинганда маданий макондаги лақуналар, тор коммуникатив акт миқёсида олинганда ички кўриниш лақуналари деб юритилади. Маданий макон деганда ҳар қандай маданият ташувчисини ўраб олган муҳитнинг чексизлиги тушунилади. Маданий маконнинг таркибига қуйидагилар киради:

- у ёки бу лингвомаданият жамоаси вакилларининг атроф-муҳитга қандай аҳамият бериши; - мазкур жамоа вакилларининг турмуш тарзи, ҳаёти; - мазкур жамоа вакилларининг билимлар захираси, маданий фонди. Маданий макон ва уни таркиб топтирувчи атроф-муҳит, турмуш тарзи, билимлар захираси, маданий фонд каби унсурлар бошқа маданият жамоасининг вакили учун лақуна ҳосил қилувчилар саналади. Маданий лақуналарнинг ўзига хос турларидан бири этнографик лақуналардир. Улар маълум бир маданиятга оид бўлиб, бошқа маҳаллий маданиятда мавжуд бўлмайди. Этнографик лақуналар кўпинча маиший ҳаёт предметларини тавсифлаш учун хизмат қилади. Бошқа маданият реципиенти улар ҳақида тасаввурга эга бўлмайди, бундай тушунчаларнинг асосий маъноси англай олмайди. Масалан, корейс турмушидаги **“ўндол”** тушунчаси корейс уйларидаги ***пол остидаги иситиш тизимини*** англатади. Ёки ўзбек маиший ҳаётидаги **“танча”** тушунчаси ***исиниш жиҳозини*** билдиради. Табиийки, бошқа маданият реципиентлари мазкур предметлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга, бу тушунчаларнинг маъноларини англашга қийналади. Кўринадики, этнографик лақуналар маиший ҳаёт предметларига хос бўлиб, улар тасвирий ва тавсифий изоҳларни талаб қилади. В.Муравев этнографик лақуналарнинг пайдо бўлишини қиёсланаётган маданиятлардан бирининг соҳибиди бошқа маданият вакилида бўлган турли ижтимоий-маданий омиллар натижасида юзага келган лингво-этнографик ассоциациянинг йўқлиги билан боғлайди.

Лақуналарни таржимада бартараф этиш йўллари Маданиятлар аралашган бугунги кунда турли тиллар, халқлар, уларнинг маданиятларига қизиқиш, уларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иккита миллий маданият

хеч қачон бир-бирига тўлиқ мос тушмайди. Реципиентнинг бошқа маданиятдаги матнни ўз маданияти доирасида қабул қилиши ўша маданиятни тушунмасликка, айрим ҳолларда маданиятлараро тўқнашувларга сабаб бўлади. Лисоний тўсиқлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам айнан маданиятлардаги фарқлар маданиятлараро мулоқотга халақит қилиши мумкин. У ёки бу лингвомаданият жамоасининг миллий хусусиятларини ифодаловчи лакуналар чет тилларни ўргатишда ўзига хос тўсиқ саналади. Бироқ маданиятлараро мулоқот тажрибаси мазкур маданиятларнинг миллий ўзига хос фарқларидаги қийинчиликларни бартараф қилишда турли усулларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бинобарин, Г.А.Антипов, О.А.Донских, И. Й.Марковина ва Й.А.Сорокинлар ижтимоий лакуналарни бартараф қилишнинг икки: тўлдириш ва компенсациялаш усулларига ажратишади. Лакуналарни тўлдириш реципиент учун бошқа маданиятга тегишли бўлган айрим тушунчанинг маъносини очиб бериш жараёнидир. Лакуналарни тўлдиришнинг энг кўп тарқалган тури матн таржимасида миллий-маданий хусусиятга эга бўлган унсурни сақлаб қолишдир. Масалан, Индер Гасцтатте бестеллте ер Ҳаскепетер. У ресторанда зираворланган хом гўштдан тайёрланадиган хакепетер олиб келишни буюрди. Ижтимоий лакуналарни бартараф қилишнинг яна бир усули компенсациялаш бўлиб, унинг асосий вазифаси миллий ўзига хос тўсиқни олиб ташлашдир. Матндаги лакуналарни компенсациялашнинг энг содда тури бошқа маданиятга оид бўлган парчани реципиент тилида беришда муаллиф томонидан реалиялардан фойдаланишдир. Масалан, “У него (дерева) густая раскидистая крона, продолговатие листья, как у нашей черемухи, только в несколько раз крупнее“. Бунда ҳавола ва иқтибослар келтириш компенсациялаш усулининг асосий унсури бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, лакуналар бир томондан миллий маданиятнинг ўзига хос белгиси, менталитет хусусиятлари даражасининг кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан маданиятлараро ўзаро таъсир шароитида ўзга кўринишга кира оладиган бирликлар ҳисобланади. Лакуналарни тадқиқ қилиш лакунология фанини

шакллантиришга, унинг тушунчавий-терминологик аппаратини ва тадқиқот методларини ишлаб чиқишга, тиллар ва маданиятлар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб беришга, маданиятлараро мулоқотда тўсиқларни енгишга, чет тилларни ўргатишда самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Z.N.Xudoyberganova “TARJIMANING LINGVOMADANIY MASALALARI ” moduli bo’yuicha o’quv-uslubiy majmua. Toshkent 2016
2. Haydarova, D. (2020). Xemingueyning “Chol va Dengiz” qissasi. Журнал иностранных языков и лингвистики, 1(2), 124-128.
3. Haydarova, D. (2020). Инглиз ва узбек субстанциал бирликларининг грамматик жihatдан ахамияти. Журнал иностранных языков и лингвистики, 1(2), 128-132.
4. Normurodov, K. (2020). FORMULATING AND DEVELOPING ENGLISH GRAMMAR COMPETENCE. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Normurodov, K. (2020). PHRASEOLOGY PROBLEM IN TRANSLATION AND HISTORY OF STUDYING THE PROBLEM. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Normurodov, K., & Shavkat, S. (2020). PSYCHOLOGIST-PEDAGOGICAL MODELS IDENTIFICATION OF INTERESTS, INCLINES, PROFESSIONAL-QUALITIES OF PUPILS. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Normurodov, K. (2020). O’zbek va Ingliz tillarida oksimoron (oxumoron) stilistik vositasining struktural-semantik qiyosiy tahlili. Журнал иностранных языков и лингвистики, 1(1), 612-612.
8. Burieva, N. (2020). WILLIAM SHAKESPEARE’S SONNETS IN TRANSLATION OF RUSSIAN AND UZBEK POETS, S. MARSHAK AND KHURSID DAVRON. Архив Научных Публикаций JSPI.

9. Burieva, N. (2020). Pragmatic features of the translation of literary text. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 76-80.
10. Burieva, N. (2020). THE ANALYSIS OF WILLIAM SHAKESPEARE'S 33RD SONNET TRANSLATIONS INTO RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Burieva, N. (2020). WILLIAM SHAKESPEARE'S SONNETS IN TRANSLATION OF RUSSIAN AND UZBEK POETS, S. MARSHAK AND KHURSID DAVRON. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
12. Burieva, N. (2020). LINGUA-POETICS OF NARRATIVE TYPES IN SHAKESPEARE'S SONNETS. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Burieva, N. (2020). ЖАХОН АДАБИЁТИДА СОНЕТ ЖАНРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
14. Burieva, N. (2020). ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИНИНГ СИРИ ВА БАДИЙ ХУСУСИЯТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
15. Burieva, N. (2020). Vadiiy matnning lingvistik tahlili. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
16. Burieva, N. (2020). ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА ВА УНДАГИ ЭСТЕТИК-МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАР. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
17. Burieva, N. (2020). УИЛЬЯМ ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҚДИРИ ВА МОҲИЯТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
18. Burieva, N. (2020). УИЛЬЯМ ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҚДИРИ ВА МОҲИЯТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
19. Kuchkarovna, B. N. (2020). WILLIAM SHAKESPEARE'S SONNETS IN TRANSLATION OF RUSSIAN AND UZBEK POETS, S. MARSHAK AND KHURSID DAVRON. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 290-294.
20. Safarova, D., & Abdullayeva, F. (2019). THE PRINCIPLE OF CONSCIOUS APPROACH IN TEACHING SPEAKING. *POLISH SCIENCE JOURNAL*, 51.

21. Rasulova, Z. (2020). COMMUNICATION IN THE TEACHER'S ACTIVITY AND ITS PSYCHOLOGICAL SYSTEM. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 52-55.
22. Rasulova, Z. (2020). PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF SCHOOL-AGED STUDENTS. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 49-52.
23. Mukhamedov, A. (2020). TRANSLATION CONCEPTS OF “THE LEIPZIG SCHOOL” SCHOLARS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(4).
24. Mukhamedov, A. (2020). ABOUT DIFFERENT APPROACHES TO THE CONCEPT OF EQUIVALENCE IN TRANSLATION IN 1990S. *CUTTING EDGE-SCIENCE*, 115.
25. Fayzullaeva, U. (2020). VIRGINIA WOOLF AND TIME CATEGORY. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 6-10.
26. Fayzullaeva, U. (2020). THE INNER WORLD OF A WOMAN. *Journal of Critical Reviews*, 7(2), 49-50.
27. Fayzullaeva, U. (2019). THE INNER WORLD OF A WOMAN" MRS. DALLOWAY", BY VIRGINIA WOOLF. *Journal of Critical Reviews*, 7(2), 2020.
28. Gulruh, N., Dildora, S., Bunyod, B., & Fazliddin, Y. (2020). Interactive Learning Environment in the English Language Teaching with the help of Computer Technology. *Solid State Technology*, 63(4), 619-623.
29. Safarova, D. (2020). Methodological strategies to teach foreign languages in primary schools. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-3.
30. Safarova, D., & Abdullayeva, F. (2019). THE PRINCIPLE OF CONSCIOUS APPROACH IN TEACHING SPEAKING. *POLISH SCIENCE JOURNAL*, 51.
31. Safarova, D. (2020). Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 42-46.
32. Nizomova, Z. (2020). Teachers’ English Proficiency and classroom language use. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 92-96.

33. Nizomova, Z. (2020). Инглиз ва ўзбек тилларида аллитерациянинг стилистик воситалар тизимида тутган ўрни. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 112-116.
34. Gulruh, N., Dildora, S., Bunyod, B., & Fazliddin, Y. (2020). Interactive Learning Environment in the English Language Teaching with the help of Computer Technology. *Solid State Technology*, 63(4), 619-623.
35. Norbekova, G. (2020). Motivation in learning grammar of a second language. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
36. Norbekova, G. (2020). CHARACTERISTICS, SIGNIFICANCE AND ROLE OF MOTIVATION PROBLEMS IN FOREIGN LANGUAGE LEARNING. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
37. Norbekova, G. (2020). ЧЕТ ТИЛИ ЎРГАНИШДАГИ ТУРТКИ МАСАЛАСИНИНГ ТАСНИФИ, АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
38. Norbekova, G. (2020). Perceptions about Classroom-based Speaking Tests and their Washback. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(2), 80-84.
39. Гулруҳ, Н. (2019). ЧЕТ ТИЛИ ЎРГАНИШДАГИ ТУРТКИ МАСАЛАСИНИНГ ТАСНИФИ, АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (6).